



## ДАВЛАТ МУАССАСАЛАРИДА ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ ЎТКАЗИШ ВА УНИ ҲУЖЖАТЛАШТИРИШ

**Хайитов Шерзод Пардабоевич**

*Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*

*Тошкент молия институти*

*Тошкент, Ўзбекистон*

*e-mail: [shshsh777@mail.uz](mailto:shshsh777@mail.uz)*

**Аннотация.** Мақолада давлат муассасаларида инвентаризация ўтказиш ва уни ҳужжатлаширишнинг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари тадқиқ этилган. Давлат муассасаларида инвентаризацияни ўтказишнинг асоссий вазифалари илмий – услубий жиҳатдан асосланган. Амалдаги норматив - ҳукуқий ҳужжатларга мувофиқ давлат муассасаларида инвентаризация ўтказишнинг зарурлиги ва уни ички назорат тизимини таъминлашдаги аҳамияти асослаб берилган.

**Таянч сўзлар:** бухгалтерия ҳисоби, далолатнома, давлат муассасаси, ички назорат, молиявий натижа, ҳисоб сиёсати, ҳисбот.

## ПРОВЕДЕНИЕ ИНВЕНТАРИЗАЦИИ В ГОСУДАРСТВЕННЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ И ЕЕ ДОКУМЕНТАЛЬНОЕ ОФОРМЛЕНИЕ

**Хайитов Шерзод Пардабоевич**

*Доктор философии по экономическим наукам (PhD)*

*Ташкентский финансовый институт*

**Аннотация.** В статье рассматриваются конкретные аспекты и особенности проведения инвентаризации и ее документального оформления в государственных учреждениях. Основные задачи проведения инвентаризации в государственных учреждениях основаны на научно-методической точке зрения. Обоснована необходимость проведения инвентаризации в государственных учреждениях в соответствии с действующими нормативно-правовыми документами и ее значение в обеспечении системы внутреннего контроля.

**Ключевые слова:** бухгалтерский учет, акт, государственное учреждение, внутренний контроль, финансовый результат, учетная политика, отчет.



## CARRYING OUT AN INVENTORY IN GOVERNMENT INSTITUTIONS AND DOCUMENTING IT

**Khaitov Sherzod Pardaboevich**

Doctor of Philosophy in Economic Sciences (PhD)

Tashkent Institute of Finance

**Abstract.** The article discusses specific aspects and features of the inventory and its documentation in government agencies. The main tasks of conducting an inventory in government agencies are based on a scientific and methodological point of view. The necessity of conducting an inventory in government agencies in accordance with current regulatory documents and its importance in ensuring an internal control system is substantiated.

**Keywords:** accounting, act, government agency, internal control, financial result, accounting policy, report.

**Кириш.** Маълумки, мамлактимизнинг барча худудларида фаолият юритаётган давлат муассасалари давлат дастурига мувофиқ таъмирланиб, илғор ахборот технологиялари ва асбоб-ускуналари билан жиҳозланмоқда. Натижада аҳолига сифатли ва арzon хизмат кўрсатиш йўлга қўйилмоқда. Бу мамлакатимиз аҳолисига қулайлик яратиш, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаш билан биргаликда, ушбу давлат муассасалари раҳбарларига масъулият ҳам юклайди. Чунки, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш зарур. Муассасалар балансидаги ҳар бир товар – моддий бойликларининг бутсақланиши, ўз вақтида ҳисбот шаклларида акс эттириши учун жавобгар шахслар амалдаги норматив – ҳуқуқий хужжатларга мувофиқ раҳбар ва бош ҳисобчи ҳисобланади.

Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган давлат муассасалари йиллик молиявий ҳисботларини тузишдан олдин, ҳисбот маълумотларининг ишончилигини таъминлаш мақсадида инвентаризация ўтказиши муҳим аҳамиятга эга.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Тадқиқот мавзуси доирасида мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари ўрганилди. Хорижлик иқтисодчи олимлар И.Воробьев, А. Спесивцева ва Г.Барышеваларнинг тадқиқотларида бюджет, ғазна ва бюджетдан молиялаштириувчи муассасалар учун бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиб – қоидалари кўрсатилган. Ушбу давлат муассасаларида бухгалтерия ҳисобини



ташкил этиш, бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари ва тамойиллари ҳамда ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг хуқуқий асослари батафсил ёритиб берилган [Воробьева И.П., Спесивцева А.Л., Барышева Г.А., 2012].

Давлат секторида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш асослари С.Солодова ва А.Глущенколарнинг илмий тадқиқотларида батафсил ёритилган. Давлат секторида бухгалтерия ҳисобини норматив – хуқуқий тартибга солища ҳар бир қонун ва кодексларнинг мазмуни ва аҳамияти, уларнинг қўлланилиши ва бир – бирига боғлиқликлари услубий жиҳатдан асосланган [Солодова С.В., Глущенко А.В., 2022].

О.Качкова, Т.Кришталева ва М.Овсийчукларнинг тадқиқот ишларида бюджет муассасаларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш масалалари асосий ўринни эгаллайди. Бунда бюджет муассасаларида бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари, ички назорат тизими ва ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг ташкилий, услубий ҳамда техник жиҳатлари батафсил ёритиб берилган [Качкова О.Е., Кришталева Т.И., Овсийчук М.Ф., 2022].

Мамлакатмиз иқтисодчи олимларидан М.Остонақулов, С.Меҳмонов, А.Туйчиев, А.Остонокулов, К.Ибрагимов ва А.Турсуновлар бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг назарий, услубий ва хуқуқий жиҳатлари бўйича тадқиқотлар олиб бохранлар.

М.Остонақуловнинг тадқиқотлари бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш масалаларига бағишлиланган бўлиб, ташкилотларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг назарий, услубий ва хуқуқий жиҳатлари ёритиб берилган. Бюджет ташкилотларида ҳисоб ишларининг юритилиши, инвентаризациянинг ўтказилиши ва ҳисботларнинг шакллантирилишининг услубий томонлари ҳам кўрсатиб берилган [Остонақулов М., 2009].

С.Меҳмонов ва А.Кулибоевларнинг тадқиқот ишларида бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, унинг назарий – услубий асослари ўрганилган. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг мақсади, вазифалари, алоҳида хусусиятлари, бухгалтерия счётларининг таснифланиши ва молиявий ҳисботларни тузишнинг норматив – меъёрий ҳужжатларга асосланиши ёритиб берилган [Меҳмонов С., Кулибоев А. 2012].

А.Туйчиев, А.Остонокулов, К.Ибрагимов ва А.Турсуновлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда бюджет ҳисоби ва бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг долзарб масалалари, ҳисобнинг



ташкилий ва услугий асослари ёритилган. Ҳисоб объектлари бўйича уларнинг аналитик ва синтетик ҳисобининг амалий жиҳатлари кўрсатиб берилган [Туйчиев А., Остонокулов А., Ибрагимов К., Турсунов А., 2018].

Юқоридаги хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг тадқиқотларини ўрганиб чиққанимизда, улар томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари асосан бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ташкил этишнинг назарий, услугий ҳамда ташкилий жиҳатларига бағишиланган. Олимлар томонидан давлат муассасаларида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ҳуқуқий асослари қисман ёритилган бўлса—да, тўлиқ тадқиқ қилинмаган. Шу боисдан бизнинг фикримизча, давлат муассасаларида бухгалтерия ҳисобини норматив – ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, шу асосда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва ички назорат тизимини ташкил этиш бюджет маблағларидан мақсадли ҳамда самарали фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга.

**Тадқиқот методологияси.** Давлат муассасаларида инвентаризация ўтказиш ва уни хужжатлаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларини инобатга олган ҳолда тизимли таҳлил, анализ, синтез, таққослаш ва бошқа шу каби бир қанча тадқиқот усусларидан фойдаланилган.

**Натижа ва муҳокамалар.** Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги ҳамда ишончлилиги активлар ва мажбуриятларни мажбурий тарзда инвентаризациядан ўтказиш орқали тасдиқланади. Инвентаризация объектлари, уни ўтказиш тартиби ва муддатлари инвентаризация бўйича бухгалтерия ҳисоби стандартида белгиланади [1].


Агар бухгалтерия балансининг барча моддалари тўлиқ инвентаризация қилинмаган ҳамда бундай инвентаризация натижалари молиявий ҳисоботга киритилмаган бўлса, молиявий ҳисоботдаги маълумотлар ҳақиқий ҳисобланмайди. Давлат муассасаларида инвентаризацияни ҳар бир бухгалтерия объектлари бўйича ўтказиш тартиби ва унинг қоидалари 19-сонли “Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш” номли Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БХМС) (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) билан тартибга солинади.

Инвентаризацияни ўтказишдан мақсад муассаса балансида акс эттирилган барча активлар ва мажбуриятларни ҳисобда тўғри акс эттирилганлигини



текшириш, ҳисоб маълумотлари билан солишириш ҳамда ҳақиқатда мавжудлигини аниқлашдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуидаги вазифалар амалга оширилади (1-расм).



### **1-расм. Давлат муассасаларида инвентаризацияни ўтказишнинг асосий вазифалари<sup>1</sup>**

Албатта, юқоридаги вазифаларни бажаришдан олдин инвентаризация комиссиясига муассаса бухгалтерия ходимлари томонидан бухгалтерия ҳисобининг барча маълумотлари тўлиқ қофоз вариантда тақдим этилади [6].

Давлат муассасаларида амалдаги норматив – хуқуқий ҳужжатларга мувофиқ инвентаризация қуидаги ҳолларда ўтказилади:

- мол-мулк ижарага берилганда, сотиб олинганда, сотилганда, шунингдек, давлат муассасаси ўзгартирилган (давлат тасарруфидан чиқарилган) чоғда қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда;

- йиллик молиявий ҳисботни тузиш олдидан, бундан инвентаризацияси ҳисбот йилининг 1 октябридан кейин ўтказилган мол-мулк мустасно.

Давлат муассасаларининг ҳисоб сиёсатида ҳам инвентаризация ўтказишнинг тартиби ва муддатлари аниқ кўрсатилиши зарур деб ҳисоблаймиз ва қуидаги “Давлат муассасаларида инвентаризация ўтказиш графиги” ни таклиф қиласиз (1-жадвал).

Давлат муассасаларининг ҳисбот йилидаги инвентаризациялар сони, уларни ўтказиш санаси, активлар ва мажбуриятлар рўйхати муассаса раҳбари томонидан тасдиқланган ҳисоб сиёсатида кўрсатилиши керак [3]. Ҳисоб

<sup>1</sup>Муаллиф томонидан тузилган



сиёсатида инвентаризация билан боғлиқ барча жараёнлар түлиқ қамраб олинади.

### 1-жадвал

#### Давлат муассасаларида инвентаризация ўтказиш графиги<sup>2</sup>

№	Инвентаризация объектлари	Инвентаризацияни ўтказиш вақти	Инвентаризация ўтказиш даври
1	Асосий воситалар ва номоддий активлар	Йиллик молиявий ҳисоботни тузидан олдин	Йилда бир маротаба
2	Пул маблағлари, пул хужжатлари, қийматликлари ва қатъий ҳисобдаги бланклар	Ҳар ойнинг охирги беш кунида	Ҳар ойда бир маротаба
3	Ёнилғи-мойлаш материаллари; дори-дармонлар ва ярани боғлаш воситалари; озиқ-овқат маҳсулотлари	Ҳар чорак охирги ойининг 25-30-саналарида	Ҳар чоракда бир маротаба
4	Бошқа товар-моддий заҳиралари	Ҳар йили июнь ва декабрь ойлари	Йилда икки маротаба
5	Моддий жавобгар шахслар алмашганда	Буйруқда кўрсатилган муддатда	Йил давомида
6	Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар	Ҳар чорак охирги ойининг 25-30-саналарида	Ҳар чоракда бир маротаба
7	Барча товар моддий қийматликлари бўйича тасодифий инвентаризация ўтказиш	Буйруқда кўрсатилган муддатда	Зарурият юзасидан муассаса раҳбари буйруғига асосан

Инвентаризацияни ўтказиш учун муассаса раҳбарининг буйруғи билан доимий ишлайдиган қуидаги таркибдаги инвентаризация комиссияси тузилади:

- тиббиёт муассасасининг раҳбари ёки унинг ўринбосари (**комиссия раиси**);
- бухгалтерия ҳисоби хизматининг раҳбари (**бош бухгалтер**);
- бош ҳамшира;
- иқтисодчи;
- хўжалик ишлари бўйича масъул ходим;
- ходимлар билан ишлаш бўлими ходими (**ходимлар бўлими бошлиғи**);
- муассаса бўлимларининг мудирлари (бўлимлар кесимида);

<sup>2</sup>Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



- техник ходим (электрик; сантехник);
- кассир (касса операцияларини бажариш вазифаси юклатилган шахс);
- омбор мудири.

Давлат муассасаларида инвентаризацияни ўтказишида комиссиянинг ҳаттоқи бир нафар аъзоси йўқ бўлса, бу ҳол инвентаризация натижаларини ҳақиқий эмас, деб топиш учун асос бўлиб хизмат қиласи [4].

Инвентарлаш натижалари 19-сон БҲМС «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиши» билан белгиланган тартибда расмийлаштирилади. Аниқланган ва ҳисобланган активлар ва мажбуриятлар ҳақидаги маълумотлар инвентаризация рўйхатлари ва далолатномаларига киритилади. Масалан, асосий воситалар бўйича маълумотлар 19-сон БҲМСга 6-иловага кўра объектнинг асосий вазифасига мувофиқ номлари бўйича инвентаризация рўйхатида, товар-моддий бойликлар бўйича – 8–11-иловаларга мувофиқ рўйхатлар ва далолатномаларда қайд этилади. Бунда фойдаланишга яроқсиз ва тиклаб бўлмайдиган активлар алоҳида рўйхатга киритилиб, унда уларни сотиб олиш, фойдаланишга топшириш вақти ва ушбу объектларни яроқсиз ҳолга келтирган сабаблар (шикастланиш, тўлиқ эскириш ва ҳоказолар) кўрсатилади.

Рўйхатлар камида 2 нусхада тузилади ва инвентаризация комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади. Моддий жавобгар шахслар рўйхатда қайд этилган барча бойликлар уларнинг гувоҳлигида текширилгани, улар томонидан масъул сақлашга қабул қилингани ва комиссияга нисбатан ҳеч қандай даъволари йўқлиги ҳақида тилхат берадилар. Инвентаризация якунлангандан кейин рўйхатлар активлар ва мажбуриятларнинг амалдаги қолдиқларини ҳисоб маълумотларига кўра уларнинг қолдиқлари билан солишириш учун бухгалтерияга берилади. Давлат муассасасининг бухгалтерияси инвентаризация рўйхатларидаги барча ёзувларнинг тўғрилигини синчилкаб текширади [5]. Нархлар, таксировка, ҳисоблашдаги ва ҳ.к. хатолар комиссиянинг барча аъзолари имзоси остида тузатилади.

Инвентаризация натижаларига кўра бухгалтерия солишириш қайдномаларини тузади. Уларда инвентаризация рўйхатларидаги маълумотлар бухгалтерия ҳисобидаги тегишли маълумотлар билан солишириллади. Шу ернинг ўзида инвентаризация натижалари – ортиқча ва камомадлар чиқарилади. Барча маълумотлар натура ва пул ўлчовида, ҳисобда қабул қилинган классификацияда кўрсатилади. Солишириш қайдномаларига фақат ҳисобдаги маълумотлардан фарқлари аниқланган бойликлар бўйича маълумотлар қайд этилади. Фарқлар ҳам инвентаризацияда аниқланган



натижалар қайдномалариға киритилади. Инвентаризация комиссияси активлар ва мажбуриятлар камомади ва ортиқчаси сабабларини белгилайди, айбдор ва масъул шахсларни аниқлады, улар комиссияга фарқ сабаблари ҳақида ёзма тушунтириш берадилар. Комиссия хulosалари, таклифлари ва қарорлари корхона раҳбари тасдиқлайдиган баённома билан расмийлаштирилади. Йиллик инвентаризация натижалари йиллик молиявий ҳисоботда акс эттирилади. Инвентаризация вақтида аниқланган активлар ва мажбуриятлар ҳақиқатда мавжудлиги билан бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ўртасидаги тафовут “Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби тартиби тўғрисида”ги низомга (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 апрелда 1334-сон билан давлат рўйхатидан ўtkazilgan) мувофиқ акс эттирилади.

**Хулоса.** Инвентаризацияни ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштиришда бизнинг фикримизча қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- инвентаризация ўтказиш жараёнида муассасанинг ҳар бир моддий жавобгар шахсига бириктирилган товар –моддий бойликларининг рўйхатининг мавжудлиги ва уларнинг тўғрилигига;
- инвентаризация натижалари тўғрисидаги далолатномаларни моддий жавобгар шахслар билан биргаликда расмийлаштирилишига;
- инвентаризация натижасида аниқланган активлар ва мажбуриятларнинг камомад ва ортиқча чиқсан суммаларини бухгалтерия ўтказмаларида тўғри акс эттирилишига.

Чунки, инвентаризациянинг давлат муассасаларида ўз вақтида, тўғри ўтказилиши ҳамда ҳужжатлаштириши, уларнинг молиявий натижаларига бевосита таъсир қиласи.

#### Адабиётлар/Литература/References:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги ЎРҚ-404-сон Қонуни
2. Остонақулов М. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби. Ўқув кўлланма. – Т.: “Iqtisod – Moliya”, 2009. – 428 б.
3. Kuliboyev A.Sh. Methodological issues of formation of accounting policy in medical institutions // International scientific journal of finance and accounting. №4, August, 2017 <https://www.interfinance.uz/en/arxiv/231-ikki-4hh-2>.



4. Кулибоеv А. Ш. Бюджет назоратининг назарий–услубий асослари //World scientific research journal. – 2023. – Т. 16. – №. 1. – С. 31-37.
5. Kuliboyev Azamat, & Urushova Nilufar. (2023). Byudjet nazoratining meyoriy-huquqiy asoslari va ularni rivojlantirish istiqbollari. UNIVERSAL JOURNAL OF TECHNOLOGY AND INNOVATION, 1(7), 189–197. Retrieved from <https://humoscience.com/index.php/ti/article/view/2268>.
6. Shonazarovich K. A. Regulatory and legal regulation of accounting in budgetary institutions //EPRA International Journal of Economics, Business and Management Studies (EBMS). – 2023. – Т. 10. – №. 6. – С. 82-86.
7. Мехмонов С.У., Кулибоеv А.Ш. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисоби. Ўқув қўлланма, «Иктисад-молия» 2018. 186 б.
8. Остонакулов, А.А. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоби ва ҳисоботи методологиясини такомиллаштириш. Монография. – Т.: VNESHINVESTPROM нашриёти, 2021. – 208 б.
9. Ostonokulov, Azamat. "Improvement of methodology for accounting of extra-budgetary resources of public educational and medical institutions. E3S Web Conf. Volume 296, 2021." 1st International Conference on Environmental Sustainability Management and Green Technologies (ESMGT 2021). <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202129606029>.
10. Tuychiyev A.J., Ostonokulov A.A., Ibragimov K.Sh., Tursunov A.S. Byudjet tashkilotlarida byudjet hisobi. Darslik – Т.: “Iqtisod – Moliya”, 2018. –329 б.
12. Воробьева И.П., Спесивцева А.Л., Барышева Г.А. Бухгалтерский учет в бюджетных учреждениях. Учебное пособие. – Томск.: Изд-во ТПУ, 2012. – 252 с.
13. Солодова С.В., Глушченко А.В. Бухгалтерский учет в бюджетных организациях. Учебник. – Москва.: Издательство Юрайт, 2022. — 322 с.
14. Качкова О.Е., Кришталева Т.И., Овсийчук М.Ф. Бухгалтерский учет в бюджетных учреждениях. Учебник. – Москва.: КНОРУС, 2022. — 376 с.